

**Ахборот – библиография бўлими**

**18 май – «Халқаро музейлар куни» байрамига бағишлаб ўтказилган «Маданий мерос - миллий маънавиятимизни бойитиш омилларидан бири сифатида» номли илмий конференция ва «ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР МЕРОСИ» туркумидан «ҚОЗОҒИСТОН МАНЗАРАЛАРИ» деб номланган кўргазмасига бағишланган библиографик кўрсаткич**



**САМАРҚАНД – 2018 й.**

**Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида 18 май - «Халқаро музейлар куни» байрамига бағишлаб ўтказилган «Маданий мерос - миллий маънавиятимизни бойитиш омилларидан бири сифатида» номли илмий конференция ва «Қардош халқлар мероси» туркумидан «Қозоғистон манзаралари» деб номланган кўргазма**

Халқаро музейлар кенгашининг XII–Бош ассамблеясининг 1977 йилдаги қарорига асосан ҳар йили 18 май «Халқаро музейлар куни» кенг нишонланиб келинмоқда. Музейлар ҳамisha миллатларнинг маънавий кучларини оширадиган, унинг дунёқарашини бойитадиган ва ривожлантирадиган маърифий масканлар сифатида хизмат қилиб келган.

Шу муносабат билан жорий йилнинг 18 май куни Самарқанд давлат музей-қўриқхонасида қизиқарли тадбирлар ўтказилди.

Жорий йилнинг 21 март куни Қозоғистон Республикаси Президенти Н.А.Назарбоев Самарқанд шаҳрига расмий ташрифи чоғида Самарқанд шаҳар тарихи «Афросиёб» музейи билан танишди ва музей-қўриқхонага Владимир Клавихо-Телепов ижодига мансуб график асарлардан иборат 30 дона асарларни совға қилган эди. Қозоғистон давлат раҳбарининг ушбу тухфаси Ўзбекистон маданияти тарихи музейида кўргазмага қўйилиб, «Қардош халқлар мероси» туркумидан «Қозоғистон манзаралари» деб номланган ушбу кўргазманинг очилиш маросими 2018 йил 18 май куни бўлиб ўтди.



Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Самарқанд вилоят ҳоқими ўринбосари Р. Қобилов, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Али, Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси директори Х. Муҳаммадиев азалдан қардош халқларимизнинг бугунги иқтисодий, ижтимоий ҳамда маданий ҳамкорлик алоқалари ҳақида сўз юритди.

Мазкур кўргазма Марказий Осиё халқларининг бой тарихи, минтақа аҳолисининг моддий-маънавий меросини намойиш этиб, тарихий хотирани жонлантириб, ёш авлодга қардош халқлар ҳаёти, маданияти, урф-одатлари, архитектураси, табиати ҳақида тушунча беради, қалбларда дўстона ҳиссиётларни пайдо қилади.

**«Қардош халқлар мероси»** туркумидан **«Қозоғистон манзаралари»** деб номланган кўргазмада XV аср бошларида Самарқандга Амир Темур саройига Кастилия (Испания) қироли Генрих III де Трастамара томонидан юборилган элчи Руи Гонзалес де Клавихонинг узоқ авлоди ҳисобланган, рус rassomi Владимир Клавихо-Телепов ижодига мансуб график жанридаги офорт техникасида ишланган 30 га яқин асарлар намойиш этилмоқда. Фотограф, rassom Владимир Клавихо – Телепов 1962 йилда Москва шаҳрида туғилган. Рассомнинг кўргазмада намойиш этилаётган асарларида қозоқ халқининг миллат қахрамонлари, тарихий обидалар, миллийлиги, бетакрор манзаралари ҳамда замонавий кўринишдаги шаҳарлари акс этирилган. «Ёлғиз тоғ», «Тўлқинлар», «Жар», «Қирда» асарларида табиатнинг мўжизавий гўзал манзараларини ифодаласа, «Жангчи юзи», «Аскарлар», «Аскар оти»да тарихий шахслар, «Раққоса», «Қиз безаклар билан», «Байрамона либос», «Оқ кийимдаги аёл» номли ижод намуналари қозоқ халқининг аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо миллий урф-одатлари, анъаналари, қадриятлари тасвирланади.

Кўргазманинг очилиш маросимидан сўнг «Маданий мерос-миллий маънавиятимизни бойитиш омилларида бири сифатида» мавзудаги илмий конференция ўтказилди. Ушбу илмий конференцияда Самарқанд шаҳридаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, музейшунослик мутахассислар, музей ходимлари ва жамоатчилик иштирок этди.

Конференцияни Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бош директори Х.Ў.Муҳаммадиев кириш сўзи билан очиб, тадбир меҳмонлари ва иштирокчилари билан таништириб ўтди.

Қонференцияда мутахассисларнинг Суғд маданияти, Ўзбекистон ландшафт архитектурасида қадимги маданий мерос объектлари, тарихий обидалардан туризм соҳасида кенг фойдаланиш, тасвирий санъат дурдоналарини тўплаш, сақлаш, таъмирлаш ва намойиш этишдаги долзарб муаммоларга доир маърузалари тингланди.

Илмий конференцияда Я.Ғуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти директори А.Бердимуродов «Распространение музыкальной культуры

Согда по великому шелковому пути», Самарқанд давлат археология ва қурилиш институти ўқитувчиси С.Н.Садикова «Ўзбекистон ландшафт архитектурасида қадимги маданий мерос объектлари - чорбоғ ва хиёбонларни тиклаш масалалари», Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ўқитувчиси, фан доктори, профессор И.С.Тухлиев «Ўзбекистондаги тарихий обидалар ва ёдгорликлардан туризм соҳасида фойдаланиш йўллари», Самарқанд давлат университети ўқитувчиси Ш.Ш.Ҳамроқулова «Қозоғистон - Ўзбекистон маданий муносабатларининг бугунги ҳолати», А.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят Ахборот-Кутубхона Маркази илмий-услубий бўлим бошлиғи М.М.Кулова «Меросимизни асраш асосий мақсадимиз» мавзусида маъруза қилишди.

Шунингдек, конференцияда музей-қўриқхона бош муҳофизи М.А.Юнусовнинг «Самарқанд музейи коллекциясидаги бронза қозон», Ўзбекистон маданияти тарихи музейи Санъат бўлими мудири С.Рўзимуратованинг «Самарқанд музейи тасвирий санъат дурдоналари: намойиш этиш ва таъмирлаш муаммолари», музей - қўриқхона фонд муҳофизи А.Пулатовнинг «Композиционная орнаментация Самаркандских вышивок», Ўзбекистон маданияти тарихи музейи Тарих бўлими мудири Ш.Рустамовнинг «Тасвирий санъатда офорт жанри тарихидан», Ўзбекистон маданияти тарихи музейи Маркетинг ва туризм бўлими мудири Ж.Жўрақуловнинг «И.А.Акрамовнинг Самарқанд давлат музей-қўриқхонасини шаклланишидаги роли» мавзусидаги маърузалари тингланди.

Илмий конференцияда иштирокчилар томонидан қизгин муҳокамалар остида ўтиб, маданий меросларнинг халқимизнинг миллий маънавиятини янада бойитишига асосий омилларидан бири сифатида эътироф этилди.

### **Даврий нашрлар ва вақтли матбуот**

**Бахтиёров А. Назарбоев тухфаси Музей фондини бойитди**

**//Зарафшон.2018.-19-май.-16.**

**Шарифова М. Мероси маданий-асоси маънавият**

**//Овози Самарқанд.2018.-19-май.-1-2Б**